

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

НИЗАМОВА САОДАТ АБДУҚОДИРОВА

**БОЛАЛАРДА СКАРЛАТИНА КАСАЛЛИГИ КЕЧУВИНИ КЛИНИК-
ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Низамова Саодат Абдуқодировна

Болаларда скарлатина касаллиги кечувини

клиник-эпидемиологик хусусиятлари..... 3

Низамова Саодат Абдукадировна

Клинико-эпидемиологическая особенности течения

скарлатины у детей..... 27

Nizamova Saodat Abdukadirovna

Clinical and epidemiological features of scarlet fever

in children..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

НИЗАМОВА САОДАТ АБДУҚОДИРОВНА

**БОЛАЛАРДА СКАРЛАТИНА КАСАЛЛИГИ КЕЧУВИНИ КЛИНИК-
ЭПИДЕМИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.10 – Юқумли касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1. PhD/Tib 2017 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Таджиев Ботир Мирхашимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибадова Гулнора Алиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Худайкулова Гулнора Каримовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ кунини соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100151, Тошкент ш., Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 2А-уй. Тел: (+99871)243-36-05.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел.: (+998 78) 150-78-25).

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ кунини тарқатилди.
(2024 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Г.А. Ибадова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда стрептококк инфекцияси барча мамлакатларда долзарб муаммолардан ҳисобланиб, касалланиш даражасининг юқорилиги, турли хилклиник шакллари ва уларнинг асоратлари ҳамда касалликни айнан болалар орасида кенг тарқалиши билан боғлиқдир. ЖССТ нинг маълумотларига кўра, « ... 18,1 млн. инсон А гуруҳидаги стрептококклар келтириб чиқарадиган жиддий касалликлардан азият чекади, улардан 15,6 млн кишида ревматик юрак касаллиги асорат сифатида кузатилиши...»¹ таъкидланган. Стрептококк инфекциясининг таркибида скарлатина касаллиги етакчи ўринни эгаллайди. Шу жиҳатдан, скарлатина касаллигини эрта ташхисотининг замонавий усуллари қўллаш, оғир клиник шакллари даволашни такомиллаштириш ва касалликни асоратларини олдини олиш амалий тиббиётнинг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда болаларда скарлатина касаллигини клиник-эпидемиологик хусусиятларига тегишли қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, *S.pyogenes* микробини молекуляр-генетик хусусиятларини аниқлаш, касалликни замонавий эпидемиологик жиҳатларини аниқлаш, касалликни охириги йилларда кескин кўтарилиши сабабларини аниқлаш, *S.pyogenes* микроби чақирган инфекцияларни клиник ва лаборатор хусусиятларини аниқлаш, *S.pyogenes* микробига қарши антибактериал дори воситаларини сезувчанлигини аниқлаш, болаларда скарлатина касаллигини клиник ва лаборатория кўрсаткичлари бўйича хусусиятларини аниқлаш, скарлатинадан сўнг асоратлар ривожланишига сабаб бўладиган хавф омилларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш, скарлатинанинг эрта ташхисоти усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш, скарлатина билан касалланган болаларни даволашни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, юқумли касалликларини тарқалишини олдини олиш мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, юқумли касалликларга чалинган бемор болаларга, айнан стрептококк чақирган инфекцияларни этиологик хусусиятлари, замонавий эпидемиологияси, клиник ва лаборатор жиҳатлари, эрта ташхисоти, даволаш ва олдини олишни такомиллаштириш юзасидан

¹ Брико, Н.И. Болезни, вызываемые стрептококками группы А в начале XXI века: проблемы и перспективы профилактики // Эпидемиология и инфекционные болезни. – 2020. - № 2.– С. 3 – 6.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони

тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамани аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида стрептококк инфекцияси, жумладан скарлатина билан касалланиш даражаси ортиб бормоқда, шунинг учун улар юқумли касалликлар патологиясида долзарб муаммо бўлиб қолмоқда (Краснова Е.И. 2015; Тотолян А.А. 2015; Брико Н.И. 2015). Скарлатина билан касалланишни ортишининг сабаблари, болалардаги иммунитетга атроф-муҳит омилларининг таъсири ҳамда кўзғатувчининг юқори вирулентлиги ва антибиотикларга чидамли янги штаммларини пайдо бўлиши билан боғлиқ (Маянский А.Н., 2010). Шунинг учун стрептококкнинг юқори патоген штаммлари учун глобал кузатув лойиҳасини (маълумотларни доимий тизимли йиғиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тарқатиш) яратиш тавсия этилмоқда (Афанасьева Н.Н., 2019).

Сўнгги йилларда скарлатинани кечишининг энгил шакллари 70-80%, ўртача оғирликдаги шакллари - 10-30% ва оғир шакллари - 0,05-2,8% ни ташкил этмоқда. Касалликнинг 2% дан 7% гача, баъзан эса 8-15% гача ҳолатлари асоратлар билан кечмоқда (Чен И. М., Гуй Р. ва бошқалар 2014). Тиббиётни ривожланишининг ҳозирги босқичида скарлатина билан оғриган беморларда миокардит, ревматизм, синовит, гломерулонефрит каби аллергик ва иммунокомплекс асоратлар қайд этилмоқда. Бундай асоратларнинг пайдо бўлишининг асосий сабаби этиотроп терапиянинг нотўғри танланиши ёки ўз вақтида олиб борилмаслигидадир (Краснова Е.И., Кретьен Б.О., 2020).

Охириги беш йил ичида бир қатор мамлакатларда шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ҳам скарлатина билан касалланиш кўрсаткичлари сезиларли даражада ошди (Таджиев Б.М., Қурбонова Г.Ш., 2022). Юқорида баён этилган фикрлар скарлатина касаллигини ўз вақтида аниқлаш, клиник ва эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда оғир клиник шаклларини даволашга йўналтирилган тадқиқотларни ўтказиш зарурлигини тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий амалий марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасида белгиланган «Ҳаво-томчи инфекцияларида юзага келадиган асоратларни диагностикаси ва даволашни такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган (2021-2023 йиллар).

Тадқиқотнинг мақсади болаларда скарлатина касаллигини клиник-эпидемиологик хусусиятларини аниқлаш ва даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистонда 2001-2022 йилларда болалар ўртасида скарлатина билан касалланиш кўрсаткичларини ретроспектив эпидемиологик таҳлили;
болаларда скарлатина касаллигини клиник ва лаборатория кўрсаткичлари бўйича хусусиятларини аниқлаш;
скарлатина касаллигида бактериологик усул самарадорлигини асослаш;
скарлатинанинг кечишини оғир, асоратланган клиник шаклларини ташхисоти ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасининг скарлатина билан касалланиш бўйича статистик маълумотлари ва Тошкент шаҳридаги 1-сон шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида Скарлатина ташхиси билан даволанган 1 ёшдан 16 ёшгача бўлган 192 нафар бемор болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида веноз қони, қон зардоби, бодомчаасимон безлардан суртма олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва олдимизга қўйилган мақсадга эришиш учун умумий клиник, эпидемиологик (ретроспектив таҳлил), бактериологик ва статистик (Пирсон коэффициентини хи квадрат (χ^2) ва Фишер усули) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болаларда скарлатина касаллигида *Streptococcus pyogenes* билан бир қаторда бошқа клиник аҳамиятга эга бўлган бактериал патогенлар аниқланиши исботланган;

болаларда скарлатина касаллиги сурункали тонзиллит фонида ривожланган холда, беморга қўшимча бактериологик текширувини амалга ошириш асосланган;

беморлардан ажратилган *Streptococcus pyogenes*, *Staphylococcus aureus*, *Pseudomonas aeruginosa* штаммларининг макролидлар ва тетрациклинлар гуруҳлардаги антибактериал воситаларга 50% гача чидамлилиги аниқланган;

болаларда скарлатина касаллигини даволашда бактериофагнинг самарадорлиги *Streptococcus pyogenes*, *Staphylococcus aureus*, *Pseudomonas aeruginosa* ларга этиотроп таъсир этиши билан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Республика маъмурий ҳудудларида, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида скарлатина билан касалланишнинг эпидемиологик хусусиятлари аниқланган;

ҳозирги даврда скарлатина касаллиги асосан 7 – 16 ёшли болаларда энг кўп учраши аниқланган;

скарлатинанинг ўрта оғир ва оғир шакли билан касалланган бемор болаларда асосий клиник белгиларнинг давомийлиги аниқланган;

скарлатина касаллигини оғир кечишида асоратларни пайдо бўлиши ва ҳамроҳ касалликларни учраш даражаси аниқланган;

секстафаг бактериофагининг скарлатина касаллигининг клиник белгилари ва лаборатория кўрсаткичлари динамикасига таъсири аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, тадқиқотларда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, эпидемиологик, бактериологик ҳамда статистик усуллар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, болаларда скарлатина билан касалланишда асосий кўзғатувчи бўлган *Streptococcus pyogenes* билан бир қаторда бошқа клиник аҳамиятга эга бўлган бактериал патогенлар аниқланиши, ёндош касаллик сифатида сурункали тонзиллит аниқланган ҳолатда бактериологик текширув ўтказиш беморлардаги касалликга аниқ ташхис қўйиш ва антибиотикотерапияни тўғри танлашни, бактериофаг дори воситаларини қўллаш, касалликни оғир шаклларини даволаш ҳамда асоратлар ривожланишини олдини олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти скарлатина билан касалланган болаларни ташхислаш бўйича замонавий тавсиялардан фойдаланиш касалликнинг эрта этиологик ташхисини аниқлаш, беморларни даволашда тўғри этиотроп терапия тайинлаш, қиммат антимиқроб дори воситаларининг бир неча курсларни буюришни камайтиради ва асоратларни ривожланишини олдини олиш, қўшимча ташхисот ва реабилитация тиббий муолажаларини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги № 06/62 - сонли йиғилиш баённомасига асосан Илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: болаларда скарлатина касаллигида *Streptococcus pyogenes* билан бир қаторда бошқа клиник аҳамиятга эга бўлган бактериал патогенлар аниқланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 декабрдаги 8н-р/1495-сон билан тасдиқланган «Болаларда скарлатина касаллигини оғир кечишида даволаш усулларини такомиллаштириш»

тўғрисидаги услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Жиззах вилояти юқумли касалликлар шифохонаси ҳамда Тошкент вилояти юқумли касалликлар шифохонаси амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги № 06/62 - сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: болаларда скарлатина касаллиги ташхисотини эрта тўғри олиб бориш, антибиотикларни тўғри танлаш, касаллик натижасида келиб чиқадиган асоратларни олдини олиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: болаларда скарлатина касаллиги ташхисотини эрта тўғри олиб бориш орқали бир нафар беморга скарлатинани ташхисоти учун сарфланадиган давлат бюджетидан 465 500 сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: болаларда скарлатина касаллиги сурункали тонзиллит фонида ривожланган ҳолда, беморга қўшимча бактериологик текширувини амалга ошириш асосланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 декабрдаги 8н-р/1495-сон билан тасдиқланган «Болаларда скарлатина касаллигини оғир кечишида даволаш усуллари тақомиллаштириш» тўғрисида услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Жиззах вилояти юқумли касалликлар шифохонаси ҳамда Тошкент вилояти юқумли касалликлар шифохонаси амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги № 06/62 - сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: болаларда сурункали тонзиллитни ўз вақтида даволаш орқали, касаллик натижасида келиб чиқадиган асоратларни олдини олиш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: болаларда сурункали тонзиллитни ўз вақтида даволаш орқали скарлатина касаллигини юқумли касалликлар шифохонасида бир нафар беморни даволаниши учун бир кунга сарфланадиган харажатларини 160 410 сўмга, бир курс даволаниш учун давлат бюджетидан 1 122 870 сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: беморлардан ажратилган *Streptococcus pyogenes*, *Staphylococcus aureus*, *Pseudomonas aeruginosa* штаммларининг макролидлар ва тетрациклинлар гуруҳлардаги антибактериал воситаларга 50% гача чидамлилиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 декабрдаги 8н-р/1495-сон билан тасдиқланган «Болаларда скарлатина касаллигини оғир кечишида даволаш усуллари тақомиллаштириш» тўғрисида услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Жиззах вилояти юқумли касалликлар шифохонаси ҳамда Тошкент вилояти юқумли касалликлар шифохонаси амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги № 06/62 - сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: Натижалар беморлардаги касалликга тўғри ташхис қўйиш ва касалликнинг дастлабки босқичида аниқлаш ҳамда ўз вақтида сифатли ёрдам кўрсатишга имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: тақомиллаштирилган даволаш алгоритми бўйича беморларни даволаш орқали 1 нафар беморни бир кунлик дори-дармонларга сарфланадиган харажатларини 20 470 сўмга, бир курс

даволаниш учун давлат бюджетидан 143 290 сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: секстафаг бактериофагининг скарлатина касаллигининг клиник белгилари ва лаборатория кўрсаткичлари динамикасига таъсири аниқланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 14 декабрдаги 8н-р/1495-сон билан тасдиқланган «Болаларда скарлатина касаллигини оғир кечишида даволаш усулларини такомиллаштириш» тўғрисида услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Жиззах вилояти юқумли касалликлар шифохонаси ҳамда Тошкент вилояти юқумли касалликлар шифохонаси амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги № 06/62 - сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: болаларда скарлатина касаллигини даволашда бактериофагдан фойдаланиш орқали даволаш натижалари яхшиланади ва асоратлар юзага келишини олди олинади. Иқтисодий самарадорлиги: Беморларнинг стационарда даволаш муддатлари ўрта ҳисобда 7 кундан 5 кунгача қисқаради – бу эса 1 нафар беморни даволашга сарфланадиган харажатлар ўрта ҳисобда 867 040 сўм маблағ иқтисод қилинади, 25% давлат иқтисодиёти учун иқтисод қилиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари шакллантирилган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Стрептококк инфекциясининг клиник ва эпидемиологик хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида, муаммонинг замонавий ҳолатини очиб берувчи маълумотлар келтирилган. А гуруҳи стрептококкларининг хусусиятлари, стрептококк инфекциясининг

эпидемиологик хусусиятлари, замонавий шароитда скарлатинанинг клиник кечиши, замонавий шароитда стрептококкли ангина ва скарлатинанинг клиник кечишидаги ўзига хосликлари ҳақидаги маълумотлар баён этилган. Касалликни ўрганиш бўйича вазифалар белгиланган ва тадқиқотни ўтказиш зарурияти асосланган.

Диссертациянинг «**Болаларда скарлатини касаллигини кечишининг клиник-эпидемиологик хусусиятлари бўйича текшириш материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи ва текшириш усуллари баён этилган.

Тадқиқотларда Санитария эпидемиология осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитасидан олинган расмий маълумотлар ҳамда 2021 йилнинг январ ойидан 2021 йилнинг декабр ойигача Тошкент шаҳридаги 1-сон шаҳар юқумли касалликлар шифохонасида Скарлатина ташхиси билан даволанган 1 ёшдан 16 ёшгача бўлган 192 нафар беморларни текшириш ва даволаш натижалари таҳлил этилган.

Барча беморлар умумий клиник текширувдан ўтказилган, улардан эпидемиологик анамнез йиғилган. Скарлатина касаллигини этиологиясини аниқлаш учун 85 нафар беморларнинг бодомча безлари юзасидан бактериологик текширувга суртма олинган, шундан 32 (38%) та ҳолатларда *Streptococcus pyogenes* штамлари ажратиб олинган ва антибиотикларга сезгирлиги аниқланган.

Скарлатина ташхиси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021-йилнинг 30-ноябрдаги «Даволаш – профилактика муассасалари учун клиник – баённомалар ҳамда касалликларни ташхислаш ва даволаш стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 273 - сонли буйруғининг 16- иловасига мувофиқ қўйилган.

Илмий тадқиқот иши Бутун жаҳон тиббиёт ассоциациясининг Хельсинки декларациясининг «Одамлар иштирокида илмий тиббий тадқиқотлар ўтказишнинг ахлоқий тамойиллари» ахлоқий меъёрларига мувофиқ амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларидан олинган маълумотлар статистик қайта ишлашни ўтказиш учун Excel (Statistica 7.0 for Windows) муҳаррирлик жадвалига киритилган. Ҳар бир параметрни статистик таҳлил қилишда қуйидаги асосий тавсифлар ҳисобланган, ўртача, ўртача квадратик оғиш, ўртача статистик ишонччилик. Гуруҳлар ўртасидаги натижалар ишончилигини баҳолашда Стъюдент мезонлари қўлланилган. Натижалар $p < 0,05$ бўлганда ишонччи деб ҳисобланган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон Республикасида 2001-2022 йилларда скарлатина билан касалланишнинг ретроспектив эпидемиологик таҳлили**» деб номланган учинчи бобида 2001-2022 йилларда республика маъмурий ҳудудларида скарлатина касаллиги билан касалланишнинг ретроспектив таҳлили натижалари баён этилган.


Таҳлил этилган даврда республика бўйича кўп йиллик маълумотларга кўра, йилига 371 ҳолатдан (2009 йил) 3869 тагача (2022 йил) ўзгариб турган.

Шу билан бирга, 2009 йилда ҳар 100 минг болага 1,4 ни, 2022 йилда 100 минг болага 7,4 ни ташкил этган.

21-асрнинг биринчи ўн йиллигида республикада скарлатина билан касалланганлар сонининг энг юқори мутлоқ кўрсаткичлари 2005-2006 йилларда қайд этилган (мос равишда 927 ва 905 ҳолатларда), бу йиллардаги интенсив кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатдики энг юқори кўрсаткичлар 2003 ва 2005 йилларга тўғри келди (100 минг болага мос равишда 3,44 ва 3,54).

2017 йилга қадар 100 минг болага нисбатан интенсив кўрсаткич 2,3 ни ташкил этган ва республикада скарлатина билан касалланишнинг 741 та ҳолатига тўғри келган, касалланишнинг охири сезиларли ўсиши 2007 ва 2011 йилларда қайд этилган (100 минг болага 2,1; мутлоқ кўрсаткич мос равишда -576 ва 586 ҳолат).


2010-2022 йилларда скарлатина билан касалланишнинг таҳлили шуни кўрсатдики, энг юқори касалланиш даражаси 2019 йилда (100 минг болага нисбатан 6,3) ва 2022 йилда (100 минг болага нисбатан 7,4) скарлатина касаллигини аниқлашнинг мутлоқ кўрсаткичлари республикада йилига мос равишда 2127 ва 3869 та ҳолат кузатилганлигини кўрсатди(1-расм).



1-расм. 2001-2022 йилларда республика бўйича болалар ўртасида скарлатина билан касалланиш кўрсаткичлари (и.к. да)

2001-2022 йилларда республика ҳудудларида скарлатина билан касалланишнинг таҳлилида маълум бўлишича, айрим маъмурий ҳудудларда маълум бир йилларда скарлатина билан касалланганлар рўйхатга олинмаган.

Қашқадарё (2001, 2004 ва 2007), Самарқанд вилоятларида (2002), Бухоро вилоятида 2020 йилда бирорта ҳам касаллик қайд этилмаган, Бухоро (2007, 2015), Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида 2014 йилда 1 нафардан бемор. Бухоро вилоятида 2003 йил, 2010 йил ва 2019 йилда, Сурхондарё ва Андижон вилоятларида 2015-2016 йилларда фақат 2 нафардан бемор бола аниқланган.



2-расм. 2001-2022 йилларда скарлатина билан касалланган болаларни маъмурий хуудлар бўйича тақсимланиши (м.р.да)

Республика бўйича кузатув даврида (2001-2022) касалланишнинг энг юқори кўрсаткичлари 2019 ва 2022 йилларда кузатилган бўлса, энг кўп беморлар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида қайд этилган. Касалланиш кўрсаткичлари беморларнинг жинсига боғлиқлиги кузатилмади. Кузатувлар 2018 йилгача 1 ёшгача бўлган болалар ўртасида скарлатина билан касалланган беморларни аниқлашнинг паст кўрсаткичларини кўрсатди. 2019-2022 йилларда республикада вазият кескин ўзгарди, бу асосан Тошкент вилоятида беморларнинг ушбу ёшдаги касалланиш даражасининг кескин ўсиши ҳисобига кузатилди – 2018 йилда атиги 4 нафар бўлганига қарамай, 2019 йилда 69 нафар беморлар рўйхатга олинган ва 2020 йилда 72 та ҳолат, 2022 йилда 158 бу республика бўйича касалланишнинг асосий қисмини ташкил этган.

Республикада скарлатина билан касалланишнинг энг кўп ўсиши 2019-2022 йилларда 1 ёшдан 2 ёшгача бўлган беморларнинг асосий қисмини Тошкент шаҳрида аниқланган беморлар ташкил этди.

Шундай қилиб, 2019 йилда республикада 1 ёшдан 2 ёшгача бўлган 265 нафар беморлар рўйхатга олинган бўлса, уларнинг 41,9 фоизи Тошкент шаҳрида аниқланган, 2022 йилда республика бўйича 365 нафар беморнинг 43,8 фоизи Тошкент шаҳридаги шу ёшдаги болаларда аниқланган.

Диссертациянинг «**Болаларда скарлатина касаллигининг клиник кечиши**» деб номланган тўртинчи бобда болаларда скарлатина касаллигининг клиник кечиши хусусиятларини ўрганиш таҳлили натижалари келтирилган.

Тадқиқотга скарлатина билан касалланган жами 192 нафар беморлар киритилган (шундан 59 нафари 1 ёшдан 3 ёшгача (30,57%), 80 нафари 3 ёшдан 7 ёшгача (41,45 %) ва 7 ёшдан ошган болалар 53 нафарни ташкил

қилган (27,60%) (ўртача ёши 5, $45 \pm 0, 01$ ёш), булардан 88 нафар қиз (45, 83%), 104 ўғил болалардир.

Аниқланишича, 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган беморлар гуруҳида ва мактаб ёшидаги болалар гуруҳида касалликнинг ўртача оғир шакли, оғир шаклига қараганда кўпроқ бўлган. 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврда касалликнинг оғир (40% ҳолларда) шаклидаги ҳолатлари, ўртача оғир (65% ҳолларда) шакли ҳолатлари учрагани қайд этилган (54, 17%) (1-жадвал).

1-жадвал

Скарлатина билан оғриган беморларнинг ёш гуруҳлари ва кечиши бўйича тақсимланиши


Касалликнинг кечиши	Бемор болалар сони	Ёши		
		1 ёшдан 3 ёшгача	3 ёшдан 7 ёшгача	7 ёшдан 16 ёшгача
Ўрта оғир	129 (67,1%)	38 (64,4%)	52 (65,0%)	39 (73,5%)
Оғир	63(32,8%)	21 (35,5%)	28 (35,0%)	14 (26,4%) ^{1,2}
Жами	192	59(100%)	80 (100%)*	53 (100%)*

Изоҳ: * - фарқлар 1 - 3 ёшгача бўлган болалар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли; - фарқлар p_2 - 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли ($p < 0, 05$).

1- жадвалдан кўриниб турибдики, касалликни ўртача оғир шакли билан оғриган беморлар 129 нафар (67,1%) оғир шакли билан оғриган беморлар 63 нафар (32, 8%) бўлган.

Шуни таъкидлаш керакки, мактабгача ёшдаги болаларда касалликнинг оғир шакллари улуши (35%) мактабгача ёшдаги болаларга нисбатан сезиларли даражада юқори (мос равишда 9, 4% ва 18, 7%, $p < 0, 05$).

Биз скарлатина билан касалланган беморларнинг ёшига қараб касалликни клиник кечишини қиёсий таҳлил қилдик (3-расм).



3-расм. Беморларнинг ёши ва касалликнинг кечиши бўйича тақсимланиши (% да)

Барча ҳолатларда касаллик ўткир бошланган, клиник намоён бўлишининг энг кўп учрайдиган белгилари касалликнинг 1-2 кундаёқ қайд этилган. Касалликнинг дастлабки даври кўпчилик беморларда анамнестик тарзда аниқланган ва унинг давомийлиги ўртача бир неча соатдан икки кунгача бўлган. Касаллик дастлабки даврининг асосий белгилари иситма, интоксикация синдроми ва ўткир тонзиллит бўлган.

Скарлатинани турли оғирлик шакллари билан оғриган беморларда, асосий асоратларни учраши таҳлил этилди (2-жадвал).

2-жадвал

Скарлатинанинг клиник кечишида асоратлар ва ҳамроҳ касалликларни учраш даражаси, $M \pm m$

Асоратлар ва ҳамроҳ касалликлар	Жами (n=192)		Ўрта оғир кечиши (n=129)		Оғир кечиши (n=63)	
	м.р.	%	м.р.	%	м.р.	%
Токсик миокардит	52	27,08±0,38	13	6,77±0,19	39	20,31±0,32*
Анемия	77	40,10±0,46	37	19,27±0,32	40	20,83±0,33
Бронхопневмония	55	28,65±0,39	13	6,77±0,19	42	21,88±0,34*
Сурункали пиелонефрит	6	3,13±0,13	6	3,13±0,13	0	
Стоматит	22	11,46±0,24	10	5,43±0,21	12	6,25±0,18
Энтеробиоз	9	4,69±0,16	6	3,13±0,13	3	1,56±0,09
Аллергик дерматит	19	9,90±0,23	7	3,65±0,14	12	6,25±0,18*
Болалар церебрал фалажи	4	2,08±0,10	3	1,56±0,09	1	0,52±0,05
Туғма юрак нуксонлари	3	1,56±0,09	3	1,56±0,09	0	
Бронхиал астма	4	2,08±0,10	3	1,56±0,09	1	0,52±0,05
Сурункали бронхит	21	10,94±0,24	9	4,69±0,16	12	6,25±0,18
Сурункали тозиллит	42	21,88±0,34	24	12,50±0,25	18	9,38±0,22*
Ўткир буйрак етишмовчилиги	1	0,52±0,05	0		1	0,52±0,05
Йирингли лимфоаденит	21	10,94±0,24	6	3,13±0,13	15	7,81±0,20*
Септик шок	1	0,52±0,05	0		1	0,52±0,05
Сепсис	10	5,21±0,16	1	0,52±0,05	9	6,20±0,22*
Йирингли отит	59	30,73±0,40	14	7,29±0,19	45	6,20±0,22
Ўткир пиелонефрит	78	40,63±0,46	30	15,63±0,29	48	6,20±0,22*

Изох: *- ўртача оғир ва оғир шакли билан оғриган беморларнинг кўрсаткичларини таққослашдаги фарқлар статистик аҳамиятга эга, $P < 0,05$.

2-жадвалда акс эттирилган маълумотлардан кўриш мумкинки, биз текширган скарлатина билан оғриган беморларда энг кўп учрайдиган асорат токсик миокардитни ривожланишидир (6, 77% ўртача ва 20, 31% касалликнинг оғир шаклида). Кўпчилик ҳолларда ўткир пиелонефрит кўринишидаги буйрак асоратлари, касаллик оғир кечган беморларда (15,63±0,29%) ўрта оғир беморларга нисбатан кўпроқ учраган (6,20±0,22%) ($p < 0,05$).

Кўриқдан ўтган беморларда бронхопневмония (6,77±0,19%), стоматит (5,43%), сурункали тозилит (12,50±0,25%), энтеробиоз (3,13±0,13%), аллергия дерматит (3,65±0,14%) ва анемия (19,27±0,32%) каби ҳамроҳ касалликлар аниқланган, шу билан бирга шунини таъкидлаш керакки касалликни оғир шаклида, улар сезиларли даражада ривожланган ($p < 0,05$).

Эрта ёшдаги беморларда тошма кўпинча енгил (100%), ҳар хил кўринишдаги тери гиперемияси негизида, баъзида терининг ўзгармаган фониди (18,7%), барча беморларда типик локализация билан кечиши қайд этилган. Беморларнинг 67,8 фоизиди бурун лаб учбурчагида рангпарлик аниқланган, бу бошқа ёш гуруҳларидаги, шундай ҳолатлардан сезиларли даражада паст ($p < 0,05$).

Беморларнинг 15% фоизиди «малинасимон тил» кузатилган. Барча кузатувдаги болаларда, касалликнинг ўткир даврида, ўртача, дастлабки 5 кун ичида иситма кўтарилиши (31, 2%), терида қичишиш (77,8 % ҳолларда), юрак тонларининг кўтарилиши, терини рангпарлиги шаклида симпатик фаза устунлик қилди. 6, 8% ҳолларда аускултация пайтида юрак чўққисида систолик шовқин пайдо бўлиши қайд этилди.

3 ёшгача бўлган болаларда умумий ҳолсизлик (20; 33,90%), уйқу бузилиши (21; 35,59 %), иштаҳасизлик (18; 30,51 %), бош оғриши (24; 40,68 %), кўнгил айнаши (17; 28,81%) ва қусиш (25,42%) кузатилди. Мактабгача ёшдаги беморлар орасида 65,0% ҳолларда касаллик ўртача оғирликда 35, 0% ҳолларда эса скарлатина оғир кечган. Барча ҳолатларда скарлатинани ўткир бошланиши кузатилди, болаларнинг 73,75 фоизиди тана ҳароратининг фебрил даражага кўтарилиши, камроқ ҳолларда субфебрил (12,5%) ва перитик рақамлар (13,75%) гача кўтарилиши кузатилди. 97,5% ҳолларда беморларда ҳолсизлик, 83,75% ҳолларда кўнгил айнаши, 80,0% ҳолларда қусиш, 92,5% болаларда бош оғриғи, 43,75% болаларда уйқунинг бузилиши, 82,5% ҳолларда иштаҳанинг йўқлиги қайд этилди. Мактабгача ёшдаги болаларда, эрта ёшдаги болалардан фарқли ўлароқ, Филатов белгиси сезиларли даражада кўпроқ кузатилди (мос равишда 92,5% ва 67,8%, $p < 0,05$). Барча беморларда касалликнинг дастлабки 5 кунда симпатик фаза ҳам қайд этилди. Юрак чўққисида систолик шовқин беморларнинг 7,5% да кузатилди. (3-жадвал).

Скарлатина касаллигини беморларнинг ёши бўйича клиник белгилари

Клиник белгилар	3 ёшгача (n=59)		3 ёшдан 7 ёшгача (n=80)		7 ёшдан 16 ёшгача (n=53)	
	м.р.	M±m	м.р.	M±m	м.р.	M±m
Иситма 37-38° С	21	35,59±0,78	10	12,50±0,40	3	5,66±0,33
38-49° С	33	55,93±0,97	59	73,75±0,96	44	83,02±1,25
39-40° С	5	8,47±0,38	11	13,75±0,41	6	11,82±0,46
Ҳолсизлик	20	33,90±0,76	78	97,50±1,10	53	100,0±1,37
Уйқу бузилиши	21	35,59±0,78	35	43,75±0,74	30	56,6±1,03
Кўнгил айнаши	17	28,81±0,70	67	83,75±1,02	51	96,23±1,34
Қусиш	15	25,42±0,66	64	80,00±1,00	50	94,34±1,33
Иштаҳа йўқлиги	18	30,51±0,72	66	82,50±1,01	53	100,0±1,37
Бош оғриши	24	40,68±0,83	74	92,50±1,07	51	96,23±1,34
Майда нуктасимон тошма	59	100,0±1,30	73	91,25±1,06	53	100,0±1,37
Филатов симптоми	40	67,80±1,07	74	92,5±1,07	52	98,11±1,35
Тери қичишиши	46	77,97±1,15	66	82,50±1,01	45	84,91±1,26
Томоқда оғриқ	24	40,68±0,83	75	93,75±1,08	51	96,23±1,34
Қоринда оғриқ	-	-	13	16,25±0,45	14	26,42±0,71
Диарея	-	-	-	-	15	28,30±0,73
Тилни караш билан қопланиши	8	13,56±0,48	78	97,5±1,10	50	94,34±1,33
«Малинасимон тил»	9	15,25±0,51	77	96,25±1,09	50	94,34±1,33
Юракда систолик шовқин	4	6,78±0,34	6	7,50±0,31	14	26,42±0,71
Йўтал	4	6,78±0,34	6	7,50±0,31	2	3,77±0,27

Изоҳ: **p1** – фарқлар 3 ёшгача бўлган болалар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли ($p < 0, 05$).; **p2** -фарқлар 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли ($p < 0, 05$).

Мактабгача ёшдаги болаларда қоринда оғриқлар (16,75%) ва мактаб ёшидаги болаларда диарея (28,3%) безовта қилди.

Шунингдек, мактаб ёшидаги болаларда скарлатинанинг клиник кўринишларини таҳлил қилишда, барча болаларда касаллик ўткир бошланишини кўрсатди, аксарият ҳолларда тана ҳароратининг фебрил даражага (44; 83,02%), камроқ ҳолларда пиретик (6; 11,82%) ва субфебрил рақамларгача (3; 5,66%) кўтарилиши кузатилди. Ушбу болаларда скарлатинани кечиши 73,6% ҳолларда ўртача оғирлик даражасида бўлди, 26,4% ҳолларда касалликни оғир шакли кузатилди, бу кўрсаткич эрта ва мактабгача ёшдаги беморлар гуруҳига қараганда статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори (3-жадвал) 3,2; $p < 0,05$).

Касалликга хос барча клиник белгилар жуда яққол - интоксикация белгилари, тошма, регионар лимфаденит ва ўткир тонзиллит кўринишида намоён бўлди. Оғиз бўшлиғидаги маҳаллий яллиғланиш жараёни томоқ оғриғи (97, 1%), йирингли тонзиллит, сезиларли регионар лимфаденит билан намоён бўлди. Тошма жуда кўп, терининг ёрқин гиперемияси фонида, баъзида кўкимтир тусли, кўпинча геморрагик бўлди. Барча беморларда касалликнинг

дастлабки 5 кунда тахикардия, юрак товушларининг баландлиги ва оқ дермографизм шаклида симпатик фаза ҳам қайд этилди. Юрак чўққисидаги систолик шовқин ҳам бошқа ёш гуруҳларига қараганда сезиларли даражада кўпроқ эшитилди (14; 26, 42%).

Мактаб ёшидаги болаларда асосан токсик миокардит (27%), бронхопневмония (28,65%), ўткир пиелонефрит (40,63%) ва сурункали тонзиллит (21,8%) каби хамрох касалликлар ва асоратлар қайд этилган.

Скарлатинанинг лаборатор диагностикаси клиникага ётқизилган барча беморларда гемолитик стрептококк мавжудлигини текширишни ўз ичига олади. Скарлатина ташхиси фақат текширилганларнинг 38 фоизида бактериологик жиҳатдан тасдиқланган. *Streptococcus pyogenes* аниқлашнинг паст фоизи скарлатина билан касалланган беморларнинг деярли ярмининг амбулатория шароитида бошланган антибиотик терапияси фониди касалликнинг кеч босқичларида касалхонага ётқизилиши билан боғлиқ.

Касалликнинг ўткир даврида умумий қон таҳлилида лейкоцитоз (25, 4%), лейкопения (4, 2%), эозинофилия (35, 9%) аниқланган. ЭЧТ 36,5% ҳолларда 10 мм / соат дан, 36,7% ҳолларда 10 дан 20 мм / соатгача, 26,7% ҳолларда 20 мм / соат дан ошди.

Касалликнинг ўртача оғир шаклида гематологик тадқиқот натижаларини таҳлил қилишда лейкоцитоз ($14,8 \pm 0,5 \cdot 10^9/\text{л}$), нисбий нейтрофилия чапга силжиши, лимфопения, моноцитоз ва тезлашган ЭЧТ ($20, 6 \pm 0,9$ мм/соат) аниқланди.

Шуни таъкидлаш керакки, скарлатинадаги яллиғланиш жараёни касаллик кечишини оғирлигига боғлиқ, чунки касалликнинг оғир шаклида гематологик ўзгаришлар яққол бўлиб, юқори лейкоцитоз, нейтрофилоз, лейкоцитар формулани чапга силжиши, лимфопения, моноцитоз ва ЭЧТни ортиши ($27, 3 \pm 1,7$ мм/соат) билан намоён бўлди. (4-жадвал).

4-жадвал

Скарлатина билан оғриган болаларда, касаллик кечишига боғлиқ ҳолда периферик қоннинг лаборатория кўрсаткичлари (n=192)

Кўрсаткичлар	Меърий кўрсаткичлар	Ўрта оғир даражадаги беморлар (n =129)	оғир даражадаги беморлар (n =63)	P
Лейкоцитлар $10^9/\text{л}$	5,5-5,5 $\times 10^9/\text{л}$)	11,34 $\pm 0,01$	12,06 $\pm 0,01$	$P^2 - P^3 < 0,05$
Ранг кўрсаткич	0,86-1,05	0,90 $\pm 0,01$	0,90 $\pm 0,01$	$P^2 - P^3 < 0,001$
Гемоглобин г/л	110 – 135 г/л	110,42 $\pm 0,02$	107,68 $\pm 0,02$	$P^2 - P^3 < 0,05$
Эритроцитлар $10^{12}/\text{л}$	3,5 – 5,0	3,62 $\pm 0,01$	4,05 $\pm 0,01$	$P^2 - P^3 < 0,001$
Моноцитлар $10^9/\text{л}$	2-10%	4,18 $\pm 0,01$	4,46 $\pm 0,01$	
Таёқча ядроли нейтрофиллар	25,5 – 65,0%	65,46 $\pm 0,03$	60,90 $\pm 0,04$	$P^2 - P^3 < 0,05$
Лимфоцитлар $10^9/\text{л}$	26,0 – 60,0%	27,56 $\pm 0,03$	32,65 $\pm 0,04$	$P^2 - P^3 < 0,001$
Эозинофиллар $10^9/\text{л}$	1-5%	3,14 $\pm 0,01$	3,14 $\pm 0,02$	
ЭЧТ, мм/с	2,0 – 10,0 м/ч	6,51 $\pm 0,01$	10,43 $\pm 0,01$	$P^2 - P^3 < 0,05$

Изоҳ: p1 – фарқлар ўртача оғирлик даражадагилар гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли ($p < 0,05$); p2 – фарқлар оғир даражадагилар гуруҳига нисбатан аҳамиятли ($p < 0,05$).

Шундай қилиб, қон таҳлилида сезиларли ўзгаришлар, касалликни оғир шакли билан оғриган беморларда кузатилди.

Скарлатина билан оғриган беморларни даволаш мажмуавий бўлиб, режим, парҳез ва этиопатогенетик терапияни ўз ичига олади. 48 нафар беморларда (19%) антибактериал терапия касалхонага ётқизишдан олдин бошланган. Клиникага ётишдан олдин даволанган беморларнинг 56,7 фоизи пенициллин, эритромицин ёки ампициллин қабул қилган. Касалхонада беморларнинг 87,3 фоизи пенициллинни мушак ичига олди. Курснинг давомийлиги ўртача $7,6 \pm 0,0$ кунни ташкил этди. Пенициллинга нисбатан чидамлилиқ пайдо бўлганлиги учун (12,7% ҳолларда) бошқа антибактериал препаратлар (цефотаксин, цефозолин, линкомицин) буюрилган. Пенициллиндан терапевтик таъсир бўлмаганлиги ва гемолитик стрептококкни такрорий аниқланганлиги сабабли 18 нафар беморларга эритромицин, цефазолин, гентамицин каби антибиотик терапиянинг иккинчи курси буюрилди. Ушбу терапия асосан ёндош бактериал патологияси мавжуд ёки асоратлар кузатилган беморларда ўтказилди.

Болаларнинг аксарияти касалликнинг 11-13-кунларида соғайиб маҳаллий педиатр назорати остига чиқарилди. Беморларнинг 13,5% ёндош касалликлар ва эрта асоратлар қўшилиши туфайли касалликнинг 14-18-кунда шифохонадан чиқарилган.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда болаларда кечадиган скарлатинага ўткир бошланиш ва кўп ҳолларда, ўртача оғир шаклларда (67,1%) кечиш хос деб ҳисоблаш мумкин. Деярли барча ёш гуруҳларида касалликнинг ўртача оғир шакли – эрта ёшдаги беморларда 64,4% ҳолларда, мактабгача ёшдаги болаларда 65% ва мактаб ўқувчиларида 73,5% ҳолларда учрайди. Мактаб ёшидаги беморларнинг 26,4 фоизида касалликнинг оғир кечиши кузатилган. Турли ёшдаги болаларда скарлатинанинг клиник хусусиятларини таҳлил қилиб, шуни таъкидлаш керакки, болаларда скарлатина ҳозирги даврда ҳам ўзининг типик клиник кўринишини сақлаб қолган. Болани ёши қанчалик катта бўлса, аниқ интоксикация намоён бўлиши, тошмалар, ўткир тонзилит билан регионар лимфа тугунларининг яллиғланиши, юрак-қон томир ва ошқозон-ичак тизимларининг бузилиши ҳолатлари учраши кўпаяди. Эрта ёшдаги скарлатина билан оғриган беморларда бир қатор ўзига хос белгилар кузатилади: интоксикация белгилари аниқ бўлмайди, майда нуқтали тошмалар ёрқин бўлмайди, шунингдек регионар лимфаденит ривожланиши камдан-кам учрайдиган ҳолатларга айланган.

Диссертациянинг «Скарлатина касаллигининг оғир клиник шакллари даволашни такомиллаштириш» деб номланган бешинчи бобида стандарт анъанавий даволаш курсини олган ва анъанавий даволашга қўшимча равишда Секстафаг бактериофагини олган беморларни қиёсий таҳлили натижалари баён этилган.

Тадқиқотда скарлатинани оғир шакли билан оғриган жами 138 нафар беморлар олинган, улардан 72 нафарига (асосий гуруҳ) анъанавий даволашга қўшимча равишда Секстафаг бактериофаги қўлланилган ва 66 нафар

беморлар (назорат гуруҳи) фақат стандарт анъанавий даволаш курсини олди.

Асосий гуруҳдаги (1-гуруҳ) беморларнинг ўртача ёши $5,39 \pm 0,37$ ёшни ташкил этиб, 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар (27; 71, 05%) устунлик қилди. Назорат гуруҳида (2-гуруҳ) ўртача ёши $5,75 \pm 0,80$, бу ерда ҳам 3-6 ёшли болалар устунлик қилди (9; 75,0%).

Болаларни гуруҳлар бўйича ташкил этишнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, 1-гуруҳдаги мактабгача таълим муассасаларига 42 та (58, 33%), 2-гуруҳда – 28 та (42, 4%), мактаб ўқувчилари – мос равишда 9 та (12, 5%) ва 16 та (24,2%), уюлмаган болалар улуши мос равишда 21 (29, 1%) ва 22 (33, 3%) беморни ташкил этди.

Барча болаларда касаллик ўткир бошланган, иситма 3 нафарида $39-40^{\circ}\text{C}$ гача ($2,17 \pm 0,13\%$), 36 нафарида 38°C гача ($26,09 \pm 0,43\%$) ва 85 нафарида ($61,59 \pm 0,67\%$) 37°C гача кўтарилган.

90% болаларда касаллик ўткир шаклда бошланган бошланган. Қабул пайтида деярли барча болаларни умумий ҳолсизлик ($64,0 \pm 1,13\%$), юз, қўл ва танада майда нуқтали тошмалар мавжудлиги ($93,48 \pm 0,82\%$), томоқ оғриғи ($50,0 \pm 1,0\%$), йўтал ($40,0 \pm 0,89\%$), бош айланиши ($26,0 \pm 0,72\%$), бош оғриғи ва уйқунинг ёмонлашиши ($15,94 \pm 0,34\%$) безовта қилган (5-жадвал).

5-жадвал

Скарлатина касаллиги билан касалланган беморларнинг қабул пайтидаги асосий шикоятлари

Клиник белгилар	Жами (n=138)		Асосий гуруҳ (n=72)		Назорат гуруҳи (n=66)	
	м.р.	% M±m	м.р.	% M±m	м.р.	% M±m
Касалликнинг ўткир бошланиши	124	$89,86 \pm 0,80$	64	$88,89 \pm 1,11$	65	$98,48 \pm 1,22^*$
Умумий ҳолсизлик	88	$63,77 \pm 0,68$	48	$66,67 \pm 0,96$	38	$57,58 \pm 0,93^*$
Танада тошма	129	$93,48 \pm 0,82$	68	$94,44 \pm 1,14$	61	$92,42 \pm 1,18$
Бош айланиши	36	$26,09 \pm 0,43$	19	$26,39 \pm 0,60$	16	$24,24 \pm 0,61$
Бош оғриғи	44	$31,88 \pm 0,48$	23	$31,94 \pm 0,67$	22	$33,33 \pm 0,71$
Тана ҳароратининг кўтарилиши	124	$89,86 \pm 0,48$	64	$88,89 \pm 1,11$	65	$98,48 \pm 1,22^*$
$t \geq 37,0$	85	$61,59 \pm 0,67$	43	$59,72 \pm 0,91$	44	$66,67 \pm 1,0^*$
$t \geq 38,0$	36	$26,09 \pm 0,43$	19	$26,39 \pm 0,60$	16	$24,24 \pm 0,61$
$t \geq 39,0$	3	$2,17 \pm 0,13$	2	$2,78 \pm 0,20$		
Томоқда оғрик	69	$50,0 \pm 0,60$	36	$50,0 \pm 0,83$	33	$50,0 \pm 0,87$
Иштаҳасизлик	44	$31,88 \pm 0,48$	23	$31,94 \pm 0,67$	22	$33,33 \pm 0,71$
